

ОЗИҚ-ОВҚАТ ИШЧИ ОТРЯДЛАРИ ФАОЛИЯТИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-3-40>

Режаббоев Нурилло Абдулбоқиевич,
Наманган давлат университети тадқиқодчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Туркистонда ташкил этилган ишчи озиқ-овқат отрядлари фаолияти, ҳарбий озиқ-овқат бюроси, “Қишлоқ камбағаллар кўмитаси”, инспекция бюроси, қуролланган қизил армия отрядлари фаолияти ва уларнинг ваколатлари, совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсати таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Озиқ-овқат, Озиқ-овқат диктатураси, озиқ-овқат отрядлари, ғалла армияси, ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари, “Қишлоқ камбағаллар кўмитаси”, тақсимот.

ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ РАБОЧИХ ОТРЯДОВ

Режаббоев Нурилло Абдулбоқиевич,
исследователь Наманганского государственного университета

АННОТАЦИЯ

В данной статье проанализирована деятельность созданных продовольственных отрядов рабочих, военного продовольственного бюро, “Комитета сельских бедняков”, инспекционного бюро, вооруженных отрядов Красной армии и их полномочий, продовольственной политики советского правительства.

Ключевые слова: продовольствие, продовольственная диктатура, продовольственные отряды, хлебная армия, военный продовольственный рабочий отряд, “Комитет сельских бедняков”, распределение.

ACTIVITY OF FOOD LABOUR DETACHMENTS


Rejabboyev Nurillo,
researcher of Namangan state university

ANNOTATION

In this article analyzed the activity of food detachment formed in Turkistan, military food bureau, “”, bureau of inspection, the activity of armed Red Army and their authority and the food policy of Soviet Union.

Key words: Food, the dictatorship of food, the food detachment, harvest army, military food working detachment, “The poor’s committee of the village”, division.

Туркистонда вужудга келган озиқ-овқат муаммоси, аслида 1917 йил октябр давлат тўнтаришидан кейин Россия империясида юзага келган бошбошдоқликдан,




йиллар давомида у ёки бу даражада изга солинган, шаклланган ўзаро муносабатларни нафақат ижтимоий-сиёсий, балки иқтисодий томондан ҳам узилиб бораётганидан далолат берарди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки кунлариданок бошланган кун тартибидаги долзарб масалалардан бири озиқ-овқат сиёсати бўлган. Бу борада муаммоларни бартараф этиш учун большевиклар ҳукумати янгича “чора-тадбирларни” ҳаётга татбиқ эта бошлади. Бу аввало ғалла билан эркин савдо қилувчи ва уни етиштирувчилардан зўрлик йўли билан тортиб олишда кўзга ташлана бошланди. Ушбу мақолада совет ҳокимиятининг озиқ-овқат сиёсатини амалга оширишда ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлар фаолияти билан боғлиқ томонларини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Большевиклар томонидан озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш мақсадида қуролли босимга таянган озиқ-овқат диктатураси жорий этилди. Озиқ-овқат диктатурасини ҳаётга тадбиқ этишда оз сонли ва тарқоқ ҳолатдан озиқ-овқат армияси даражасига, ҳарбий озиқ-овқат бюросига айланди. Хусусан, большевиклар ҳокимияти озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошида мустақил қуролли кучларни ташкил қилишга киришди. Ўз навбатида жойлардаги маҳаллий озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошида озиқ-овқат отрядлари ташкил қилиниб, улар тузилаётган ягона Озиқ-овқат армияси таркибига кирарди. Одатда озиқ-овқат отрядлари шаҳар ишчилари ҳамда озиқ-овқат танқислигини бошдан ўтказаётган ҳудудлардаги деҳқонлардан тузилган. Бу ерда большевиклар учта нарсани, яъни озиқ-овқат сиёсатини юритишда: биринчидан, бу озиқ-овқат отрядига кирганлар ўзини-ўзи боқиш имкониятига эга бўлганлар; иккинчидан, озиқ-овқат отрядига аъзо бўлганлар ҳисобига маълум даражада ишсизлар сони камайган; учинчидан, озиқ-овқат отряди аъзолари, ижтимоий келиб чиқишига кўра, ғалла яширганларга нисбатан, аёвсиз қурашадиганлардан иборат бўлган. Озиқ-овқат армияси Россия марказий губерниялардагина эмас, чекка-олис ҳудудларда ҳам, интизомга асосланган ҳолда ташкил этилган. Россия озиқ-овқат армиси сафида 1918 йил 15 июнида 2867 нафар, 25 июнида 4854 нафар, 5 июлда 6996 нафар, 15 июлда эса 9189 нафар аъзолар бор эди. Айтиш мумкинки, большевиклар томонидан озиқ-овқат отряди аъзолари кундан-кунга кўпайиб борган. 1918 йил 23 июлига келганда, озиқ-овқат армиясида 10140 нафар аъзо бўлиб, уларнинг 8 мингга яқини жойларга жўнатилиб, большевикларнинг озиқ-овқат сиёсатини ҳаётга тадбиқ этарди[1,С.85].


Озиқ-овқат отрядлари фаолиятини таҳлил қилиш шундан далолат берадики, озиқ-овқат танқислиги муаммоси ҳокимиятни қўлга киритган большевикларни давлат бошқарувида қолиш ёки қолмаслигини ҳам билдирадирди. Аслида қарама-қаршилик давлат ва ғалла захирасига эга бўлганлар: бойлар, савдогарлар, қулоқлар ўртасидаги келишмовчилик билан кўзга ташланади. Ўзаро зиддиятга асосий сабаб ғаллага давлат монополиясини эълон қилингани (1919) ва қатъий нархни белгиланиши эди. Аммо бой-қулоқлар, савдогарлар учун ғаллага эркин нархни жорий этилиши муҳимроқ эди. Ўз навбатида давлат томонидан озиқ-овқат сиёсати аҳолини оммавий очлик балосидан қутқаришга қаратилган



эди. Бундай мураккаб ва айти пайтда зиддиятли ҳолатда большевиклар юқорида таъкидланганидек, озиқ-овқат муаммоси ечимида ҳарбий кучлардан фойдаланишга қарор қилдилар. Хусусан, озиқ-овқат халқ комиссарлигида қошида озиқ-овқат отрядлари ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Озиқ-овқат отрядлари аъзолари ишчи ва деҳқонлардан иборат эди. Озиқ-овқат отрядлари аъзолари қизил армиячилар қатори, Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряди (ХОИО) қурол-яроғ ҳамда тарғибот адабиётлари билан ҳам таъминландилар. Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари зиммасига жойларда озиқ-овқат йиғишдан ташқари темир йўлларда, омборхоналардаги озиқ-овқатни кўриқлаш, “қопчи савдогар”ларга[2] қарши кураш, жойлардаги очлик норозиликлари, исёнларига қарши туриш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳам юклатилган эди. Жойлардаги ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари, Россияда ва унинг чекка ўлкалари бўйича, умумлаштириб олганда, 1918 йил ноябрида 30 минг нафарлик озиқ-овқат армиясини ташкил қилган. Бошланиб кетган фуқоролар уруши туфайли, озиқ-овқат армиясининг учдан икки қисмини фронтга жалб қилишга тўғри келган. Масалан, 1919 йил 1 майида ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари сафида 25213 нафар аъзо бўлган бўлса, бу 1919 йил охирида 45440 нафарга етган. Озиқ-овқат армияси 1920 йили 1 сентябрига 77550 нафарни ташкил этиб, янги иқтисодий сиёсат туфайли барҳам топган[1,С.85].

Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядларидан яъни озиқ-овқат армияси таркибига кирмаган озиқ-овқат отрядларини тузиш бўйича ҳам 1920 йил августидан рухсат берилган. Хусусан, мазкур озиқ-овқат отрядлари касаба уюшмаси, уезд ва шаҳар кенгашлари қошида ҳам тузилиб, тегишли тарзда фаолият юритади. Улар томонидан йиғилган ғалланинг ярмини озиқ-овқат халқ комиссарлигига топширилар эди. Умуман олганда, большевиклар томонидан озиқ-овқат муаммоси ечимига қаратилган саъй-ҳаракатлар маълум бир маъмурий босимга, керак бўлса, ноанъанавий чора-тадбирлар ишлаб чиқишга ҳам қаратилган эди. Туркистон ХКК ва МИҚ томонидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, Марказ ва Шимолий Кавказ ҳудудларидан ғалла келтириш жараёни совет ҳокимияти раҳбариятини маълум бир қийин аҳволга солиб қўяётганлиги туфайли, турли ноанъанавий чора-тадбирларни ҳам ўз ичига ола бошлади. Хусусан, Туркистондаги большевиклар раҳбарияти озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолининг ўзига тўқ, тадбиркор, ишни-деҳқончиликни кўзини биладиганларидан тортиб олиш чораларини ишлаб чиқди. Мазкур тадбир “Туркистонда давлат тақсимотида оид жазо чораларини қўллаш” деб ном олиб, бу фуқоролардан озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олишга қаратилган эди. Мазкур тадбирни амалга оширишда большевиклар томонидан жойлардан озиқ-овқат маҳсулотларини кам йиғилишига сабаблар, яъни уезд, туман, волост, қишлоқ жойлардаги мутасаддиларни етарли даражада саъй-ҳаракатда бўлмаганликлариданми ёки айрим фуқороларни, қишлоқларни давлат топшириғини инкор қилганиданлигини аниқлаш керак эди[4].

Давлат тақсимоти асосида озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беришдан бош тортган қишлоқларга нисбатан ваколатли вакиллар томонидан қуйидаги мажбурий




чоралар белгиланган: мазкур қишлоққа муддат белгилаб, унда белгиланган миқдордаги озиқ-овқат тақсимоти бажарилиши кўрсатилиши ҳамда тақсимотда белгиланган озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб берилмаса, унда жазо чоралари кўриши мумкин эди. Жазо чоралари жараёнида асосан аҳоли ҳайвонлари ёки бошқа мулклари мусодара қилиниши, белгиланган муддатда тақсимот асосидаги озиқ-овқат маҳсулотлари етарли йиғилмаган тақдирда, қишлоқнинг ҳар 25-30 ҳовлисидан бир киши гаров тариқасида ҳибсга олиниши ва уларнинг ҳайвони тортиб олиниб, тақсимотда белгиланган миқдордаги озиқ-овқатни қисқа муддатда етказиб берилмаса, ваколатли вакил томонидан олиб қўйилган ҳайвон тўлатўкис мусодара қилиниб, гаровга олинганлар махсус лагерларга мажбурий жалб қилиниши қайд этилган[4].

Ўз навбатида тегишли қишлоқ томонидан муддатида белгиланган миқдордаги озиқ-овқатнинг барчаси ёки кўп қисми етказиб берилса, гаровга олинган шахслар озод этилади ва тортиб олинган ҳайвонлар қайтарилиши, аммо тақсимот асосидаги озиқ-овқат етказиб берилмаса, огоҳлантиришлар таъсир қилмаса, унда яна қўшимча равишда бир нечта фуқаролар гаров сифатида ҳибсга олиниб, уларнинг ҳайвонлари тортиб олиниши қайд этилган. Мазкур давлат тақсимоти қишлоқ аҳолиси томонидан шундан кейин ҳам бажарилмаган тақдирда, унда ваколоти вакиллар томонидан қишлоққа курулли кучларни чақириш, қишлоқ бўйича бошма-бош тинтув ўтказиш, қишлоқ хўжалигига оид барча озиқ-овқат маҳсулотларини, ҳайвонларни мусодара қилиш тақсимот асосида аҳолидан олинадиган белгиланган озиқ-овқат миқдорини яна 50 фоизга кўпайтириш мумкинлиги қайд этилган[4].

Агар юқорида белгиланган жазо чоралари қўллангандан кейин ҳам қишлоқдан озиқ-овқат йиғиб олиш имконияти йўқ бўлса, унда ваколатли вакиллар томонидан давлат озиқ-овқат сиёсатида қаршиларга нисбатан янада қатъий жазо чораларини қўллаш назарда тутилган. Хусусан, бундай аҳволни қўшни қишлоқдагилар “ўз кўзи билан кўриб ишончлари комил бўлсинки, ҳар қандай ҳолатда ҳам тақсимотни бажариш керак ва буни (*озиқ-овқат* тақсимотини- Н.Р.) бажармаслик, сўзсиз айбдорлар учун шундай оғир оқибатларга олиб келади”,- деган хулоса учун асос бўлиши қайд этилган[4].

Юқорида келтирилган тарихий далиллар асосида қайд этиш лозимки, большевиклар олдида янги тузумни сақлаб қолиш, керак бўлса мазкур тузум афзалликларини намоён этиш муҳим долзарб вазифалар қаторидан ўрин олган. Хусусан, шаҳар аҳолиси ва армияни боқиш ҳаёт-мамот масаласи бўлиб қолган эди. Шу мақсадда мусодара қилишга йўналтирилган ҳарбий ишчи озиқ-овқат отрядлари ва камбағаллар қўмитаси ғаллани деҳқонлардан қатъий нархда харид қилиш белгиланган эди.

Озиқ-овқат ишчи отрядлари қишлоқ жойларга бориб, қулоқ ва ғалла савдогарларидан ғалла, картошка, қанд, гўшт, балиқ, ҳайвон ва ўсимлик ёғлари, ем-ҳашак йиғиб оладилар. Озиқ-овқат ишчи отрядларидан ташқари озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошида 1918 йил 11 июндаги декретга асосан “Қишлоқ камбағаллар қўмитаси” ҳам ташкил топиб, унинг низоми Туркистон МИҚ




томонидан 1920 йил 28 феввалида қабул қилинган. “Қишлоқ қамбағаллар қўмитаси” нинг низомига кўра волост ва қишлоқ “Камбағаллар қўмитаси” нинг зиммасига ғалла тақсимоти, қишлоқ хўжалиги ускуналари ва кундалик эҳтиёж молларини тарқатиш, қулоқ ва бойлардан ортиқча ғаллани тортиб олиш кирган. Аммо яна шуни айтиш керакки, волост ва қишлоқ “Камбағаллар қўмита” си бир пайтнинг ўзида озиқ-овқат ишчи отрядлари билан ўз фаолиятини олиб борган. Бу ўз навбатида тадбиркор, ўзига тўқларни икки томондан талон-тарож қилиш сиёсати эди. Аҳволни бундай давом этиши, большевиклар томонидан Туркистонда вужудга келган озиқ-овқат таназзулига барҳам беришга қаратилган бўлса-да, бу саъй-ҳаракатлар мазмун-моҳиятига кўра **“талаш ва тортиб олиш”** сиёсати эди.

Туркистонда озиқ-овқат таъминоти муаммоси кундан-кунга оғирлашиб борар, марказлашган ҳолда таъминот, Россия марказий губерниялари, Шимолий Кавказдан таъминот узук-юлуқ ҳолатда эди. Марказ тажрибасини Туркистон шарт-шариотига қўллаш, яъни 1919 йил 11 январда РСФСР ХКК томонидан жорий этилган “Ғалла тақсимотини жорий этиш” декрети асосида ўлкада ҳам озиқ-овқат таъминоти йўлида чора-тадбирлар ишлаб чиқишга киришилди. Хусусан, ўлкада озиқ-овқат муаммоси ечими йўлида қўйилган саъй-ҳаракатлар совет ҳокимиятини у ёки бу тадбирлари қаторида Туркистон МИҚ томонидан 1920 йил 19 февралда марказлашган ҳолда “Озиқ-овқат ишчи отрядлари” ҳам ташкил этилди. Мазкур отряд зиммасига аҳолининг кенг қатламларини озиқ-овқат тайёрлаш ишларига жалб қилиш вазифаси юкланди. Жойларда ташкил этиладиган, “Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари” (ҲОИО) ларига Туркистон ўлкаси Касаба уюшмаси қошида ташкил этиладиган Туркистон ўлкаси ҳарбий-озиқ-овқат бюроси (Туркистон ўлкаси ҲООБ) бошчилик қилиши қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, мусодара қилиш йўлида жойларда ташкил этилган, “Ишчи озиқ-овқат отрядлари” фаолияти деҳқонлар, озиқ-овқат захираси борлар учун “сезиларли” даражага эга бўлди. Масалан, Туркистонда 1920 йил 3-4 минг кишини ўз ичига олган 42 та, “Ишчи озиқ-овқат отряд” лари зиммасига ғалла захираларини мусодара орқали тайёрлаш юклатилган эди. Жойларда фаолият юритаётган “Ишчи озиқ-овқат отряд” лари тўғрисида Туркистон инқилоб қуроли кучларига берилган ҳисобот маърузасида посёлка ва қишлоқларда мавжуд ғалланинг ҳаммасини тортиб олиняпгани, деҳқонни ўзида эса бир ҳафталикка етар-етмас даражада озиқ-овқат қолдириляётгани натижасида “...озиқ-овқат разврёткасини бажариш учун... деҳқонлар ғалла сотиб олишга мажбур бўляпти. Озиқ-овқат ходимлари... шундай хатти-ҳаракати билан совет ҳокимияти вакилига муносиб бўляпти. [Ишчи озиқ-овқат отрядлари] тез-тез посёлкаларга ташриф буюриб, ҳеч қанақа тилхат ва тўловларсиз ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олмоқда. Озиқ-овқат разврёткаси ҳисобига йиғилган ғаллани талабга жавоб бермайдиган жойларга тўкилмоқда... шу сабабдан ғалла чиримокда. Бундай ҳолатни кўрган деҳқонлар, кўпинча, озиқ-овқат разврёткасини бажаришдан бош тортмоқда”- дейилади[8, В 44-45].


Тузилган ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари зиммасига алоҳида мавжуд ортиқча озиқ-овқат маҳсулотларини тортиб олиш юклатилган эди. Мазкур



вазифани бажаришда ҳарбий-озик-овқат-ишчи отрядларига деҳқонлардан тузилган, аҳолидан озиқ-овқат йиғишни назорат қилиш инспекцияси отрядлари (мусулмон инспекцияси) ёрдам берар эдилар. Тарихий маълумотларга кўра, 1920 йил охирига келганда мусулмон инспекциясига жалб қилганлар 4500 нафарни ташкил этарди. Озиқ-овқат тайёрлашни марказлаштириш, жойлардаги озиқ-овқат отрядлари устидан раҳбарлик назоратини кучайтириш мақсадида, 1920 йил 20 декабрида Ўлка ҳарбий- озиқ-овқат бюроси (ҲООБ) ташкил қилинган[9, С.51-52]. Туркистон ўлкаси ҲООБ жойларда фаолият олиб бориши белгиланган ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряди (ҲОИО) фаолиятини тизимли иш юритиши учун Туркистон МИҚ томонидан умумий йўриқнома қабул қилинган[10].

Туркистон ҳарбий озиқ-овқат бюроси таркибида фаолият юритган ҲОИО ни тизимли фаолияти учун берилган йўриқнома кенг ваколатларни қамраб олганига қарамасдан, 1920 йил ҳосилини йиғиб олишда ҳамма вақт ҳам қутилган натижани бермаган. Хусусан, 1921 йил февралда Туркистон озиқ-овқат халқ комиссари Довженко ўлка қасаба уюшмаси марказий Кенгашига қилган мурожаатида 1920 йил давомида озиқ-овқат отрядлари томонидан 22 млн пуд ғаллани тақсимотга асосан йиғиб олиниши кўзда тутилган бўлсада, амалда бу 6 млн пуд ғаллани ташкил этганини қайд этади. Бунчалик кам миқдорда ғалла йиғиб олинганига сабаб қилиб, жойларда “қатъиятли озиқ-овқат ходимлари етишмаслиги... техник вазифадан ташқари тарғибот ишларини кучайтириш зарурлигини” қайд этиб,[11] кейинги муваффақиятлар учун озиқ-овқат отрядларини янги кадрлар ҳисобига тўлдириш билан бирга яна Туркистон республикаси бўйича вилоятларда озиқ-овқат отрядини қуйидаги миқдорда кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб топади: Еттисув вилояти- 40 та озиқ-овқат отряди, Сирдарё вилояти- 35 та, Самарқанд вилояти- 25 та, Фарғона вилояти- 20 та, Каспийорти вилояти- 10 та озиқ-овқат отрядлари ҳаммаси бўлиб ТАССР да 130 та озиқ-овқат отрядлари, уларда эса 4550 нафар аъзолар жалб қилиниши кўзда тутилади [11].

Лекин яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Туркистонда аҳолини таъминлаш йўлида олиб борилаётган, “большевик” ча зуғум остидаги талаш ва тақсимлашга йўналтирилган озиқ-овқат сиёсати маълум даражада нафақат барча аҳоли, балки ерли халқ урф-одат анъаналарини яхши билган ҳукумат аъзоларида ҳам эътирозларга сабаб бўлган. Масалан, Туркистон ер ишлари халқ комиссари А.Қушбегиев жойлардаги ҲОИО лари фаолияти мусулмон аҳоли ўртасида нотўғри қабул қилиниши тўғрисида ўз хавфсирашини билдириб, бундай тартибдаги сиёсатни олиб бориш катта миқдордаги экин ерларини қисқариб кетишига, озиқ-овқат тақчиллигини янада кучайиб боришига ва айни пайтда ҲОИО аъзолари томонидан мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқи поймол этилишига олиб келиши мумкинлиги таъкидлайди. Шунингдек, жойлардаги ҲОИО фаолияти мусулмон деҳқонлари ерига, мол-мулкига навбатдаги “... мусодара ва тортиб олиш” сиёсати эмаслигини ишонтириш қийин эканлиги ва аслида бу “ҳақиқий совет қурилиши”га қаратилган сиёсат эканлигини уқтириш мушкуллигини уқтиради[13]. Шу билан биргаликда у муаммо ечимида мусулмон деҳқонлари ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган ислом динининг шариат талабларига риоя қилиши муҳим аҳамият касб этиши,



хусусан , “ҳар қандай мусулмон деҳқон давлатга ҳосилнинг тегишли фоизини ўтказиш шарт” қондасига риоя қилиши зарурлигини, “Ғалла монополияси”ни меҳнаткаш мусулмон деҳқонларнинг турмуш тарзи, урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш зарурлигини билдиради[13].

Воқеалар ривожини шундан далолат берадики, ҳақиқатан ҳам ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари фаолиятини зиддиятли, кўп ҳолларда аҳоли манфаатларидан йироқ бўлганини кўрсатади. Хусусан, Туркистонда ҲИОИ ўз фаолиятини юритар экан, аҳоли, айниқса ерли аҳоли манфаатлари, таъминоти масаласини олдинги ўринга олиб чиқмаганлар. Масалан, Кўкон уездига фаолият олиб борган озиқ-овқат отрядлари кўпинча “босмачилар” билан тўқнашиб, айрим отряд аъзоларини йўқотганлар. Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари аҳолидан “озиқ-овқат ва ем-хашакни бир парча тилхат асосида, ҳатто [олинган] вақти-соати ва [ҳарбий] қисмни кўрсатмай, кўпинча олган [озиқ-овқат] маҳсулотини камайтириб, баъзан тилхат ўрнига бир парча қоғозга “Христ қайта туғилди”, “Янги йил билан” в.б.” ёзувлари берилганлиги архив ҳужжатларда келтирилади [15].

Туркистон бўйича озиқ-овқат халқ комиссарлиги ҳузуридаги ўлка озиқ-овқат ҳарбий бюросининг 1920 йил 28 февралдаги ишлаб чиқилган низомига кўра, ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряди касаба уюшмаси томонидан сафарбарлик ишлари томонидан сусткашлик билан олиб борилган. Масалан, 1920 йил мартида Тошкент касаба уюшмаси томонидан, режага мувофиқ, 2700 нафар киши ўрнига 1750 нафар киши сафарбар қилинган. Боз устига, кўпинча ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядларига маълум тайёргарлиги йўқ инсонларни юборилар, бу ўз навбатида аҳоли билан ишлашда маълум бир қийинчиликларга сабаб бўларди. Бундай ҳолат хавотир учун асос бўлиб, Туркистон ХКК 1920 йил 25 майда “Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядларига касаба уюшма аъзоларини сафарбар қилиш” тўғрисида қарор қабул қилиб, унда касаба уюшма аъзоларининг 10 фоизини, камида 5 фоизини сафарбарлиги белгилаб қўйилган эди. Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядлари билан бир вақтда, асосан миҳаллий миллат вакиллари ўз ичига олган, кўп ҳолларда қишлоқларда ўз фаолиятини олиб борган “мусулмон инспекцияси” отрядлари ҳам озиқ-овқат таъминотида фаолият олиб борган. “Мусулмон инспекция”лари уездлардаги ҳосилни ҳисоб-китоби, ғалла йиғим-терими ва қишлоқ жойлардаги тарғибот-ташвиқот ҳамда маданий-тарбиявий ишлар билан шуғулланганлар. 1920 йил июлига келганда мусулмон инспекциялари ҳарбий озиқ-овқат ишчи отрядларига қўшиб юборилган[9,С 22].

Ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряди ўз фаолиятини юритишда бир неча гуруҳларга бўлиниб, тақсимотга асосан иш юритган. Масалан, 21-Ўш ҳарбий озиқ-овқат ишчи отряди 1920 йил 20 майдан 1 июнига қадар 28 минг пуд ғалла йиққан бўлса, 1920 йил декабрига қадар Тошкентда-40 минг пуддан ортиқ ғалла, 1920 йил 22 апрелидан 30 июнига қадар 1-Перовскда 25 минг пуд ғалла йиғиб олинган. Агар умумлаштириб оладиган бўлсак, ҲИОИ томонидан 1920 ва 1921 йил бошларига қадар Туркистоннинг бешта (Сирдарё, Самарқанд, Еттисув, Каспийорти, Фарғона) вилоятларида 4290247пуд нон ва нон маҳсулотлари, 4010949пуд ем-хашак,

730340 пуд гўшт (тирик ҳолда) озиқ-овқат тайёрланган [17,С 22].

1921 йил 24 июлида Фарғона вилоят озиқ-овқат ишчи бюросига вилоят ҲОИО йўриқчиси Шамаев томонидан ҳисобот маърузасида жойларда ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини йиғиш жараёнида отряд аъзоларининг тарғибот ва ташвиқот, маданий-маърифий ишларидаги фаолиятига ҳам эътибор қаратади. Маърузада Фарғона вилоят ҲОИОга Лютиков тайинлангандан сўнг зиммасидаги вазифаларни четга суриб қўйиб: атрофни тозалаш, отларга қараш, ахлат ташиш, аравакашлик қилиш, хат ташиш, вагонларга ғалла маҳсулотларини юклаш, ҳайвонлар билан ғалла майдонларини чопиш, экиш-тикиш ишлари билан шуғулланишмоқда, дейди. ҲОИОлари юқорида қайд этилганидан ташқари, станция ва уезд озиқ-овқат бўлимларида кечаси қоровуллик қилиб, амалда тиним билмаган. Оғир шарт-шароитлар туфайли озиқ-овқат отрядларининг қисми турли касалликларга чалинган. Боз устига ҲОИО аъзоларига нисбатан Лютиков томонидан ўзбошимчалик билан ёндашув, таҳқирлашлар қўлланган. Лютиков томонидан ўзбошимчалик шу даражага борганки, Инқилоб кўмитаси томонидан ҲОИО ларига тааллуқли декрет ва кўрсатмалар, низом ва йўриқномалар “ унинг учун қонун эмас, шу сабабдан ҳам у ўзига берилган ваколатдан келиб чиқиб, нима хоҳласа, шуни қилади... ҳарбий озиқ-овқат бюроси унинг учун [отрядга] сафарбарликни уюштирувчи ҳарбий бошлиқ холос... . Ҳарбий озиқ-овқат отрядига оид ҳар қандай кўрсатмалари бажарилмайди”- дейиш билан бирга уни ўзига берилган ваколатни орттириб юборилганлиги билан айблайди[10].

Юқорида келтирилган маълумотда яна жойлардаги ҲОИО аъзолари ғалла йиғиш жараёнида, йўлларни хавфлиликдан туя ва отлар қатори ўлимга дучор ҳам бўлганлар. Бундан ташқари кўплаб эркакларни қизил армияга сафарбар қилингани, қолган аёллар, кексалар ва болалар ҳамда оз миқдордаги эркаклар орқали 1920 йилги ҳосилни йиғиб олиш жуда қийин бўлаётгани ҳам таъкидланган. Шамаев ўз ҳисобот маърузасида жойлардаги ғаллани кечиктирмасдан йиғиштириб олиш учун етарли даражада озиқ-овқат армиячиларини юбориш заруриятини таъкидлаб, айтиш пайтда қишлоқ камбағалларини ҳам, хусусан Андижон ҲОИО командири Шарондинга кўра, яъни ҳосил йиғиштиргунга қадар 1500 пуд ғалла билан таъминлаш зарурияти борлигига эътибор қаратади. Бундай талаб ва таклиф таг замирида “қиш мавсумида қор ёғиб, аҳоли... Жалолободга ҳам боролмай қолиши” қайд этилганига, ажратиладиган ғалла аҳолини тирик қолиши учун ягона имконият эканлиги таъкидланганига қарамасдан, Лютиков томонидан Андижон ҲОИО га жойлардан “ бир пудини ҳам қолдирмай барча ғаллани олиб чиқиб кетиш тўғрисида буйруқ бериб, [аҳолини] таъминоти тўғрисида кейин гаплашамиз деб, Москва кўз ёшларга ишонмайди[10], ... *(таъкид бизники-Н.Р.)* [уларнинг] тимсоҳларча йиғисига эътибор қаратмаслик керак”-дейди[10].

Бундай сиёсат натижасида, озиқ-овқат ишчи отрядлари “Ғалла монополияси”ни Туркистонда жорий этилишида “жонбозлик намуналари” ни кўрсатганлар. Хусусан, кучли синфий курашни амалга ошира бориб, озиқ-овқат ишчи отрядлари ёрдамида, Туркистоннинг Сирдарё, Самарқанд, Фарғона вилоятларида фаолият олиб борган озиқ-овқат отрядлари саъй-ҳаракати билан 1920 йил ҳосилидан

3390800 пуд ғалла, 3524201 пуд мева ва сабзавотлар йиғишга муваффақ бўлдилар[11,С19].

Юқоридаги далиллардан кўриниб турибдики, совет ҳокимияти озиқ-овқат сиёсатини юритишда назорат органлари, ишчи гуруҳлар, инспекция бюроси, қуролланган қизил армия отрядларига турли ваколатлар бериш орқали, озиқ-овқат муаммолари, айниқса ғалла сиёсатини ҳаётга тадбиқ этган.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1.Прудникова Е.А. Битва за хлеб. От продразверстки до коллективизации. – М.: «ВЕЧЕ» , 2016. –С.85

2 “Қопчи савдогарлар” - озиқ-овқат тақчиллиги даврида дон сероб жойлардан ғалла келтириб сотиш билан шуғулланувчилар.

3.Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви (ЎзР МДА), Р-31-фонд,1-рўйхат,125-иш 17-варақ.

4.Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения 1917-1937 гг. – Т.: Фан,1992. –С. 44-45

5.Климов С. Военно-организаторская деятельность коммунистической партии в Средней Азии в 1917-1924 г.г. – Т.: Узбекистан, 1987. – С. 51-52.

6.Тўлароқ маълумот олиш учун қаранг: Ўз МДА, Р-17-фонд,1-рўйхат, 923-иш, 14- варақ.

7. ЎзР МДА, Р-805-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 116- варақ.

8. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА), 435-фонд,1-рўйхат,122-иш,10-варақ.

9. Рахимов А. Создание и деятельность продовольственных отрядов в Туркестанской АССР (1920-1921 гг.) // Общественных наук, №3, 1963. –С . 22

10. Москва кўз ёшларга ишонмайди (**Москва слезам не верит**) - бирор кимсанинг шикоятига йиғисига ёки кўз ёшларига ишонч йўқ. Бу ибора рус халқига тааллуқли бўлиб, Москва князлигининг юксалиши даврида бошқа шаҳарлардан катта солиқ олинган. Турли шаҳарлардан Москвага адолатсизлик юзасидан жўнатилган шикоятчиларни подшо бошқаларни кўрқитиш мақсадида уларни қаттиқ жазолаши тушунилган//<http://tolkru.com/fraza/page/moskva-slezam-ne-verit.php>.

11.Абулкасимов А. Деятельности партийных организации Туркистана по осуществителний хозяйственной и продовольственной политики коммунистической партии в 1918-1919 г.г (на материалах Сирдаринской, Самаркандской и Ферганской областей). Автореферат. дисс. на соиск. Степ. канд. ист. наук. – Киев,1978. – С .19.